ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 112 (10.417) / 2005 ЙИЛ 10 ИЮНЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Яккасарой туман ҳокимлигида "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорликларида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган "Нотиқлик санъати" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги 154-мактаб қошида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан ёзги оромгоҳ фаолият бошлади.

● **ЎТГАН** куни Тошкент халқаро мактабида мазкур илм маскани битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ўтказилди. Унда Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент автомобиль йўллари ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти раҳбарлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида талабалар, ўқитувчилар, ёзувчилар, адабиётшунослар, шоирлар иштирокида уюштирилган "Шеъриятга бахшида умр" мавзуидаги адабий кеча Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева ижодига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** "ЎзДЭУ" қўшма корхонасининг еттинчи конференцияси ўтказилди. Унда "ЎзДЭУавто" корхонаси ишлаб чиқариш бўлимлари вакиллари ўз техник изланишларини тақдим этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**





Мижозларни намунали хизматлари билан мамнун этаётган «Малика модел» масъулияти чекланган жамияти чеварлари сифатга муҳим аҳамият қаратишади.

**СУРАТДА: чеварлар Дилафрўз Тўрақулова ва Мукаррам Мирзамуҳамедова; Азиза Шорасулова буюртмаларни тез ва соз адо этади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ЮТУҚЛАР КЎП, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ...

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимлик ва агентлик, бошқарма ва олий ўқув юртлари раҳбарлари қатнашди.**

Мазкур қўмита раиси Х.Дўстмуҳамедов бошқарган йиғилишда «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги ҳамда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Андижон вилоятида ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, қонунлар ижроси юзасидан вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда вилоят аҳолиси ва ташкилотларга маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари кўрсатилаётир.

Шу билан бирга, вилоятда номи зикр этилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётгани кўрсатиб ўтилди. Жумладан, рақамли телефон станциялари хизматидан етарли даражада фойдаланиш имкони тўла яратилмаган. Вилоятнинг Пахтаобод, Охунбобоев ва Қўрғонтепа туманларида АТСларнинг ускуналари маънавий жиҳатдан эскирган, мижозларга хизмат кўрсатишнинг сифат кўрсаткичи талаб даражасида эмас.

Вилоятда Интернет хизмати кўрсатиш ҳам етарли даражада деб бўлмайди.

Йиғилишда кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳақида тавсиялар берилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Таҳририятга хат келди*

## УЙДИРМАЛАР ТАРҚАТИШДАН МАҚСАД НИМА?

Андижонда рўй берган фожиали воқеалар, табиийки, бугун Ўзбекистоннинг барча фуқаролари диққат марказида турибди.

Мен Интернетдан фойдаланиш имконига эга киши сифатида 13 майдаги тартибсизликлар, улар ҳақида кейинчалик берилган ахборотлар, маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган маълумотларни кузатар эканман, бевосита ушбу воқеаларнинг ичида юргандек бўлдим.

Аввало, бу хусусда кўпинча бир-бирига зид, турли хил ахборотлар оқими кишининг эътиборини ўзига жалб этади. Бунда вазиятни жиддий ўрганиш ва баҳолаш, Андижонда содир этилган фожиали воқеаларга олиб келган сабабларни аниқлашдан тортиб, жойлардаги ахборот берувчилар деб аталмиш одамларнинг ёлғон сўзлари, миш-мишлари ва телефон орқали узатган маълумотлари асосида тўқилган жўн ва ғаразли ахборотлари билан одамларни чалғитишга уринишлар ҳам бўлди.

Ажабланарли жойи шундаки, буларнинг ҳаммаси содир бўлган далиллар сифатида тақдим этиларди. Ҳолбуки, тергов ва эксперт гуруҳлари эндигина иш бошлаган эди. Фожиа кўлами, қурбонлар ҳамда жабрланганлар сони эътиборга олинадиган бўлса, бу ишнинг қанчалик мураккаб эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Ҳатто сиёсий ўйинлардан ва сиёсатдан йироқ одамга ҳам аёнки, хорижий оммавий ахборот воситаларида олдиндан пухта режалаштирилган, Ўзбекистон ва унинг раҳбариятини куракда турмайдиган гуноҳларда айблашга қаратилган ялпи ҳужум бошланган эди.

Матбуотдаги бундай сохта баёнотлар ва мақолалар билан танишар эмансиз, уларни тақдим этган ташкилотчилар ва муаллифлар наҳотки, бирон-бир ишончли ахборот манбаини топишга, бир фактни иккинчиси билан боғлашга уринмаган, ҳеч бўлмаганда воқеалар тафсилоти, уларнинг ривожланиши ва узвийлигини кузатмаган, деган таассурот пайдо бўлади.

Ушбу ахборот хуружини ташкил этган кимсаларнинг асосий мақсади олдиндан тайёрланган қолиплар ва шаблонлардан фойдаланган ҳолда, биринчи навбатда Ғарбдаги тингловчиларнинг қулоғига бўҳтон ва уйдирма маълумотларни қуйишдан иборат бўлган.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон қўшиқ байрами доирасида ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

● **Жаҳон пиллачилигининг энг шимолий минтақасида жойлашган қорақалпоғистонлик «Кумуш тола» ижодкорлари мамлакат хазинасига 541 тонна сара хом ашё сотиб, йиллик шартнома режасини барвақт бажардилар.**

● **Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Хива туманида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлими томонидан маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва «Маҳалла» жамғармаси бўлими кўмагида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.**

● **Наманган вилоятидаги 11 та ёзги соғломлаштириш оромгоҳи наманганлик болаларни қабул қилди.**

● **Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги аҳоли зич яшайдиган «Янги ҳаёт» ва «Янги турмуш» қишлоқлари оралиғида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.**

● **Фарғона шаҳрида гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Таниқли ҳуқуқшунос, Венгрия Конституциявий судининг раиси Ласло Шойим мамлакат бошқарувини қўлга олди. У Венгрия парламенти депутатлари орасида учинчи бор ўтказилган сайловда кўп овоз олишга муваффақ бўлди.**

● **Боливия президенти Карлос Месса мамлакат фуқаролар уруши арафасида тургани ҳақида огоҳлантирди. У телевидение орқали миллатга қилган мурожаатида аҳволни яхшилаш учун сайлов ўтказиш лозимлигини таъкидлади.**

● **Олдин хабар қилганимиздек, Твер вилоятининг Ржеве шаҳрида аҳоли ўртасида гепатит А вируси кенг тарқалмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, вирус вилоятнинг бошқа ҳудудлари ва қўшни Смоленск вилоятида ҳам учраган.**

● **Франция парламенти матбуот хизматининг маълум қилишича, қонун чиқарувчи органнинг қуйи палатаси Доминика де Вильпен бошчилигидаги янги ҳукумат таркибини тасдиқлаган.**

● **Францияда Евроконституция юзасидан ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларидан сўнг янги ҳукумат шакллантирилди.**

● **Украина ҳуқуқ-тартибот идоралари транспорт вазирлигида иш юритган катта жиноий гуруҳ фаолиятини фош этган «Интерфакс» ахборот агентлиги мухбирининг маълум қилишича, жиноий гуруҳнинг етти аъзоси айни пайтда қамоққа олинган.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Матбуот эркинлиги ва демократиялашувини таъминлаш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби иштирокидаги йиғилишда бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда юртимиз оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган қатор амалий чоралар бунинг яна бир исботидир.

Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда мамлакатимизда матбуотнинг келгусида янада ривожланиши, унинг халқаро талаблар ва андозаларга, юртимиз манфаатларига мос бўлишини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида бериладиган Миллий мукофот таъсис этиш таклифи билан чиқди.

Мукофот соҳиблари телевидение, радио, матбуот ҳамда интернет журналистикаси йўналишида аниқланади. Шу билан бирга, журналистика ривожи учун, энг яхши журналист суриштируви, энг фаол фуқаролик позицияси учун, алоҳида ҳолатлардаги энг яхши репортаж учун, энг яхши фоторепортаж учун, чет эл журналистининг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун каби номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган учрашувда бу борада қилинадиган ишлар хусусида фикрлашиб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# УЙДИРМАЛАР ТАРҚАТИШДАН МАҚСАД НИМА?

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Буни англаш қийин эмас.

Уларнинг фикрича, гўёки Андижонда ҳеч қандай олдиндан пухта режалаштирилган қўпорувчилик ва террорчилик хуружлари, 12 майдан 13 майга ўтар кечаси милиция ва ҳарбий қисмга, сўнгра қамоқхонага ҳужум қилган, қўриқчилар ва навбатчиларни отиб ташлаган, кўплаб автомат ва бошқа қурол-аслаҳани қўлга киритиб, 600 га яқин маҳбусни чиқариб юборган, 50 нафардан ортиқ кишини гаровга олган, вилоят ҳокимлиги биносини эгаллаб, аёллар, болалар ва қарияларни ўзларига тирик қалқон қилиб олган қуролли жангарилар бўлмаган эмиш.

Аксинча, айрим оммавий ахборот воситаларининг тарқатган сохта маълумотларига кўра, Андижон шаҳрининг майдон ва кўчаларида бор-йўғи ўз аҳволидан норози аҳолининг «қўзғолони» ёки «тинч намойиш»и бўлиб ўтган ва у ҳукумат буйруғига мувофиқ ўққа тутилган эмиш. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги биносига ўрнашиб олган жангариларнинг бошлиқлари билан 13 май эрта тонгда бошланиб, 9-10 соат давом этган музокаралар ҳам бўлмаган эмиш.

Ҳолбуки, Андижон аҳолисининг айтишича, террорчилик ҳаракати раҳнамолари ва ташкилотчиларининг ўзи музокараларни боши берк кўчага киритиб қўймагунича бирорта ҳам ўқ узилмаган.

Айнан ўша вақтнинг ўзида, ҳали музокаралар давом этаётган пайтда, баъзи агентликларнинг сайтларида юқори мартабали сиёсатчиларнинг гўёки Андижон кўчаларида ҳукумат кучлари аёллар ва болаларни отиб ташлаётгани ва қурбонлар сони 700-800 кишидан ошиб кетгани тўғрисида олдиндан тайёрлаб қўйилган интервьюлари пайдо бўлди. Кейинчалик эса Андижонда бўлган чет эллик мухбирларнинг ўзи қурбонлар сони 130-150 кишидан ошмаслигини аниқлади.

Андижондан минглаб километр узоқликда яшайдиган одамлар онгига мажбуран сингдирилган ва, табиийки, ҳар қандай одамни ларзага соладиган аянчли манзара мана шундан иборат.

Мен ўзимга ўзим савол бераман: бундай ёлғон ахборотларни тарқатишдан мақсад нима эди?

Ўйлашимча, буларнинг барчаси, аввало, Андижонда содир этилган фожиали воқеалар батафсил текширилиб, суд бўлгунича, ушбу хунрезликларнинг ташкилотчилари ҳамда ижрочиларининг айблари аниқланиб, инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан тасдиқлангунича, жаҳон ҳамжамияти онгида Андижонда аслида нима содир бўлгани ҳақида мутлақо нотўғри тасаввур пайдо қилиш, бу қонли воқеаларнинг ҳақиқий айбдорларига жавобгарликдан қочиб қолиш имконини яратиш учун қилинган бўлса керак.

Мамлакатимиз тақдири ва келажагига бефарқ қарамайдиган миллионлаб одамлар қатори менда ҳам айрим агентликлар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаракатларидан мантиқ топишга беҳуда уринаётган киши сифатида пайдо бўлган баъзи саволларни матбуот саҳифаларида баён қилмоқчиман.

Биринчи савол. Шунча одамни мажруҳ қилган ва ҳаётига зомин бўлган бу мудҳиш «ўйин», террорчилик хуружи кимга керак ва ундан кимлар манфаатдор эди?

Ўзбекистон халқининг танлаган дунёвий ривожланиш йўли, мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган демократик ва бозор ислоҳотлари кимга хуш келмаяпти?

Ўзбекистон Республикасининг халқ ва мамлакат манфаатлари ҳар нарсадан устувор бўлган мустақил ташқи сиёсат йўли кимга маъқул келмаяпти?

Ахир, ўз келажагини ўзи барпо этиш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, ўз йўли ва ҳамкорларини ўзи танлаш ҳар бир мустақил давлатнинг суверен ҳуқуқи эмасми?

Иккинчи савол. Андижонда рўй берган фожиали воқеалар нуқтаи назаридан қараганда, бугун дунёда кенг тарғиб қилинаётган «озодлик ва демократияни олға силжитиш» деб аталмиш доктринага қандай муносабатда бўлмоқ керак?

Ўзининг узоқ умри давомида кўпни кўрган ва бошидан кечирган, талай йиллар АҚШда яшаган жаҳонга машҳур ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати А.Солженициннинг ушбу масала бўйича билдирган фикрлари жиддий эътиборга лойиқдир.

«Демократия ҳеч бир мукаммал қонун, ҳеч бир доно сиёсатчи томонидан юқоридан туриб ўрнатилиши мумкин эмас. Демократия қопқоқ сингари ўрнатилмаслиги лозим. Демократия барча кўкка бўй чўзадиган ўсимликлар каби фақат пастдан юқорига қараб ривожланиши мумкин. Демократияни қурол билан олиб келиб, мажбуран ўрнатиб бўлмайди», деб таъкидлайди А.Солженицин.

Учинчи савол. Андижондаги террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга оширишда ўша кунлари Ўзбекистон сарҳадлари яқинига келган Ўзбекистон ислом ҳаракати деб аталмиш гуруҳ раҳбари Т.Йўлдошев иштирок этгани тўғрисида Интернет сайтларида пайдо бўлган далиллар исботланаяптими?

2004 йил охири ва 2005 йил бошида Ўзбекистон ислом ҳаракатини террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритган АҚШ махсус хизматлари вакиллари Қобул шаҳрида ва Покистон чегарасида Т.Йўлдошев ва унинг ҳамтовоқлари билан учрашгани-чи?

Тўртинчи савол. АҚШнинг ва Ғарб давлатларининг фикрича, Халқаро антитеррор коалициясининг фаол иштирокчиларидан бўлган Ўзбекистон яна бир бор террорчилик тажовузига дуч келган пайтда мазкур мамлакатлар унга ҳеч қандай, ҳаттоки, маънавий ёрдам кўрсатмаганини қандай баҳолаш керак?

Бунинг ўрнига эса далиллар ва воқеаларни бузиб кўрсатиш ва талқин этиш, Ўзбекистонни очиқдан-очиқ бадном қилишга уриниш давом этмоқда.

Буларнинг барчаси шундоқ ҳам унчалик жипс бўлмаган антитеррор коалицияси сафларининг парокандаликка учрашига олиб келмайдими?

Ишончим комилки, саховатли, меҳмондўст ўзбек заминида яшаётган, меҳнатсевар, меҳрибон, кўнгли очиқ, ким дўст, кимнинг гапи бошқаю иши бошқалигини яхши ажрата оладиган ҳар бир инсон бугун ушбу саволларга жавоб излайди.

**Анфим ХЛИЗОВ,**
**пенсионер.**
**Тошкент шаҳри**

# МАҚСАД — БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

**Мамлакатимизда Германиянинг «Фриденсдорф-Интернейшнл» халқаро ташкилоти раҳбари Роналд Гегенфуртнер меҳмон бўлиб турибди.**

Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги 2002 йилда бошланган. Ўша йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ҳамда «Фриденсдорф-Интернейшнл» ўртасида юртимиздаги даволанишга муҳтож болалар учун Европа шифохоналарида даволаниш имкониятини яратувчи қўшма дастурни амалга ошириш юзасидан уч томонлама ҳужжат имзоланган эди. Мазкур дастур доирасида «Фриденсдорф-Интернейшнл» халқаро ташкилоти бемор болаларни хориж шифохоналарида даволаш учун шароит яратиб келаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси вакиллари юртимизнинг турли ҳудудларидан хорижда даволанишга муҳтож болаларни кўрикдан ўтказиш йўли билан танлаб олади.

Ўтган йили «Фриденсдорф-Интернейшнл»нинг моддий ёрдамида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандларидан 203 нафар бола мамлакатимиз даволаш муассасаларида бепул соғлиғини тиклаш имконига эга бўлди. 2002 йилдан буён эса 51 нафар ўзбекистонлик бола Германияда даволанди. Улар ҳам асосан кам таъминланган оилалар фарзандларидир.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ҳам ушбу ташкилот билан ҳамкорликда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2005 йилнинг ўтган ойлари мобайнида 150 дан зиёд бола жарроҳлик йўли билан даволанди.

Роналд Гегенфуртнер Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова билан учрашди. Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунга «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мисол бўла олади. Хусусан, янги замонавий шифо масканлари, спорт иншоотлари ишга тушириляпти, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам тизими тубдан ислоҳ этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш масалалари ҳам доимий эътиборда. Зеро, спорт саломатлик гаровидир.

Учрашувда Ўзбекистон билан мазкур халқаро ташкилот ўртасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида тиббий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди, амалга оширилажак янги дастурлар лойиҳаси бўйича фикр алмашилди.

«Фриденсдорф-Интернейшнл» делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вилоятларида бўлиб, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар билан танишадилар.

**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Президент Ислом Каримов Фармонига мувофиқ фаолият бошлаган Тошкент Давлат авиация институти 10 ёшга тўлди. Шу муносабат билан олий ўқув юртида ўтказилган «Учиш аппаратлари мониторинги — 2005» мавзуидаги илмий-техник анжуманда мутахассисларнинг авиация тарихи, бугуни ва келажаги, техник ривожланиши, кадрлар тайёрлаш ҳамда авиация бозорини ўрганиш бўйича маърузалари тингланди.**

# ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАН

Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган ушбу институтни 2005 йилгача минг нафардан ортиқ йигит-қиз битириб, эгаллаган мутахассислиги бўйича меҳнат қилмоқда. Айни пайтда юзлаб талаба сабоқ олаётган таълим даргоҳида умумтехника, фуқаро авиацияси, авиакоинот, менежмент ва малака ошириш факультетлари мавжуд.

— Институтимиздаги таълим жараёни халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ICAO) талабларига тўлиқ жавоб беради, — дейди ўқув ва услубий ишлар бўйича проректор Ҳамида Ҳуснитдинова. — Талабаларимиз ўқув амалиётини тегишли корхоналарда ўтаётгани яхши самара бермоқда.

Институтда қарийб ўттиз нафар фан доктори, олтмиш нафардан ортиқ фан номзоди ва бошқа малакали мутахассислар соҳа сир-асрорларини ёш авлодга ўргатиш билан машғул. Бу ерда асосан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти, шунингдек, бошқа тармоқлар учун етук мутахассислар тайёрланмоқда.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

*Қулоққа чалинган гаплар*

## ТЕША ТЕГМАГАН ГАПЛАР

● Одамзод ўз ишининг устаси бўлса, меҳнати қадрланишини билса, мазза қилиб ишлайди. Ишга худди байрамга боргандек боради.

**(Маҳалла йиғинидаги суҳбатдан)**

● Шу-шу Турсунбой тўшакка михланиб қолди.

**(Маҳалладош жўралар суҳбати)**

● Эсимни танибманки, бошим меҳнатдан чиқмайди. Ҳаётим соб бўлди. Лекин эвазига нима кўрдим?

**(Деҳқоннинг дўстига ҳасрати)**

● Ока, ҳеч бўлмаса машинангизни уйингизгача итариб юборайлик, ўзингиз кўнглингиздан чиқариб бир нарса берарсиз?!

**(Ҳазилкаш мардикорлардан бирининг сўзи)**

● Ҳамманинг қулоғи Мухторнинг оғзига михланди-қолди.

**(Жўраларнинг гапидан)**

● Бола-чақа уйлаб-жойлаб ололмай эл-юрт олдида бош эгиб юргандан кўра, сени ўлдириб қамоққа тушганим афзалроқ.

**(Аламзада чолнинг жўрасига дегани)**

● Домла, кўнглингизга олманг-у сиздек одам мардикорликка чиқиб юрсангиз ғалати кўринаркан.

**(Талабанинг домласига танбеҳи)**

● Менга сиз эмас, сизни бошимга ураманми, шахсингизни кўрсатувчи ҳужжат керак...

**(Ички ишлар ходимининг гапи)**

● «Гадонинг душмани гадо бўлади» деган мақол эскирди. Ҳозирда гадонинг таниши ҳам, дўсти ҳам гадо бўлиб қолган.

**(Отанинг ўғлига насиҳати)**

● Ахир уйида мушукча йўқолса қидирадилар. Камтарин, ўзини ерга олиб юрувчи бутун бошли инсонни ҳеч ким суриштирмаса, биров, одаммисан, итмисан демаса-я?!

**(Маҳалладош кампирларнинг ҳасрати)**

●Ҳужжатингизни нима қиламан, гувоҳноманинг ичидагиси бақувватроқ бўлсин.

**(Йўл назоратчисининг ҳайдовчига дегани)**

● Булар одамгарчилик, иймону виждони, инсоний муомалани ҳам формасига алмаштириб юборганми, дейман. Турқи мунча совуқ, десам, гапи ундан совуқ-а!

**(Шаҳарга келган меҳмоннинг аламзада сўзи)**

●Ҳаётда инсон чувалчанг бўлиб ерда судралмасдан, ҳар доим алангланиб туриш керак.

**(Катталарнинг ёшларга танбеҳи)**

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ**



— Яхши йигит битта чектириб кетинг, сигаретим тамом бўлиб қолди.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Париж театрларининг бирида бир куни Дюманинг, бир куни унинг дўсти драматург Сумэнинг пьесаси ўйналарди. Сумэнинг томошаси қўйилаётганда Дюма у билан ложада ёнма-ён ўтирарди. Бир маҳал у Сумэнинг биқинига туртди:

— Анави хўппасемизни қара, ҳув ана, тагимизда ўтирибди. Пьесанг зўрлигидан ухлаб қолибди, хуррак ҳам отади-я!

Эртасига иттифоқо яна икковлон Дюманинг томошасида ложада ёнма-ён ўтириб қолишди. Томоша охирлаб қолганда Сумэ ҳам Дюмани туртиб, мудраётган томошабинга ишора қилди:

— Қара, сенинг ҳам томошанг зўр экан?

— Бу кечаги, сенинг томошангда ухлаб қолган-ку, — деди Дюма, — бечора ҳали ҳам уйғонмабди-я.

* * *

Дюма билан суҳбатлашиб ўтирган аслзода аёл уни мот қилмоқчи бўлиб деди:

— Отангиз мулат бўлган дейишади, шу ростми?

— Рост, хоним.

— Ундай бўлса бобонгиз ҳабаш бўлса керак?

— Албатта. Ҳатто сизга етти ухлаб тушингизга кирмаган бир сирни очишим мумкин: менинг катта бобом маймун бўлган.

— Йўғе, наҳотки?

— Ҳа-да, менинг наслим сизники тугаган ердан бошланади, хоним.

* * *

Купега аёл кириб келганда Дюма газета ўқиб ўтирарди. «Ҳозир газета ўқиб бўлиб, менга гап отади, бир ялинтирай», ўйлади аёл. Дюма эса газетани ўқиб бўлиб, журнал титишга тушди. «Хўш, — ўйлади аёл, — журналларни ҳам қачондир ўқиб бўлади. Ана ўшанда бошланади менга ялиниш».

Дюма бўлса газетани ўқиб бўлиб, жойига чиқиб тескари қараб ётиб олди.

— Менга қаранг, — деди қаҳрга тўлиб аёл, — қанақа эркаксиз ўзи?

— Икки соат ялингандан кўра, йигирма дақиқа кутган яхши, — деди Дюма.

* * *

Икки жаноб бир-бири билан танишмоқда.

— Абдуллаев. Бизнесмен. Темир-терсак, целлюлоза, ёғоч дегандек.

— Жуда соз. Азизов. Қамоқхона бошлиғи. Нон, сув, панжара дегандек.

* * *

Туғруқхонада эрталабки назорат ўтказаётган дўхтир палатада ялпайиб ётган эркакни кўриб ажабланди.

— Нима бўлди сизга? Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Дўхтиржон, ҳаммаси хотиним билан бирга идиш-товоқ ювган кунимдан бошланди. Шундан бери ҳамма ишни бирга қиляпмиз.

* * *

Ўқитувчи савол берди:

— Қани айтинг-чи, болалар, сигирнинг энг муҳим қисми нима?

— Териси, — деди бир ўқувчи.

— Нега энди териси?

— Агар териси бўлмаганда сигир бўлак-бўлак бўлиб сочилиб кетарди.

* * *

Қайнона қўзиқориндан заҳарланиб қолди. «Тез ёрдам»да етиб келган шифокорлар қайнонанинг юз-кўзи моматалоқ бўлиб ётганини кўриб, ажабланди:

— Нега бемор бунақа аҳволда?

— Қўзиқорин ейишни истамади, — деди «меҳрибон» куёв.

*Бу — қизиқ*

## ОДАМ ИЛОННИ «ЧАҚДИ»

Илон одамни чақди... Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Аммо унинг акси бўлсачи? 18 ёшли Жанубий африкалик Петрус Метубмга 3 метрли илон — питон ҳужум қилди. Улкан илон унинг танасини ўраб олди ва навқирон йигитни бўғишга тушди. Бироқ Петрус ўзини асло йўқотмади: у ўзининг табиий қурол — тишини ишга солди ва илонни ўлгунга қадар тишлаб турди. Сўнг бироз дам олгач, Петрус ҳаёт билан курашда ғолиб чиққанлиги учун ўзини мағрур ҳис қилди.

## "ОШИҚ ҒАРИБ" БЎЛГАН КУНИМ

**ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ**

Россиядаман. Ўрисларнинг тилга тушган Уралининг иқлими ҳам бор бўлсинда, ўзимизнинг Қўқонникидек инжиққина — бирпасда ўзгаради қолади. Тўққиз қаватли уйнинг олтинчисида бир вақтлар Хрушчев замонида қурилган, уларнинг тили билан айтганда, "полтарашка"да тураман. Кичкина балкончаси ҳам бор.

Мен борган йили ёзнинг иссиқ келиши-ю куз илиқлигининг чўзилиши қирқ йилда энди бир такрорланаётган экан. Аммо бир кун бирдан ҳаво совиб, гупиллаб қор ёға бошлади. Кўчадан совқотиб келдим-у ёлғиз ўзим битта "чекушка"-ни тортиб юбордим. Салда бадан қизиб кўнгил балконни тусаб қолди. Чиқдим. Қор авжга чиққан, рўпарадан келаётган изғирин кўз очиргани қўймайди. Совуққа беписанд бироз турдим. Шунда сал наридаги ўзимизникига ўхшаш ихчам, аммо ойнали балконга кўзим тушди. Не кўз билан қарайки, ғира-ширада гўё ёғаётган қордек оппоқ либосдаги гўзал бир қорасоч аёл мен томон тикилиб турарди. Олдинига мусофирлигимни эслаб, юракда даст кўзғолган ҳаяжонни аранг босиб, пича ўзимни бепарвога олдим. Лекин охири чидолмадим, менам шартта бош кўтариб, у томон тикилдим. Аёлга менинг бу дадиллигим ёқдими, у сезилар-сезилмас қўл силтаб оҳиста жилмайиб қўйгандек бўлди. Мен эса бундан илҳомланиб, дарҳол чаккамни қашишга кўтарган қўлимни олабайроқ қилиб ҳилпиратдим.

Аёл ҳам мендан-да чиройлироқ қўл силтаб жавоб қилди, гўё. Кайф завқи бир ёнда, дил ғулғуласи бир ёнда, хурсандчиликдан оғиз қурғур қулоқда. Юз-кўзларимни аёвсиз ялаётган изғиринга ҳам парво қилмай, жононга "ё мен кирай, ё сиз чиқинг" маъносида қўл ишорасини қилдим. У эса бечора мен ошиқнинг фикрини тушунгандек, бир тебраниб, бир тўлғаниб, яна бир бор чиройли қўл силтаб, "ўзим чиқаман" деб мийиғида кулганча ияк қоқди-ёв, чамамда...

Шундан сўнг хонага кирдим-у ширин хаёллар оғушида дастурхон тузай бошладим. Бисотимдаги яхши кунларга деб асраб қўйган "Русский размер" ароғи-ю ўзимиздан келтирган писта-бодомларгача стол устига териб ташладим. Кейин не умиду не илтижода диванга ёнбошлаганча, эшик жиринглашини кута-кута кўзим илинибди. Охири муҳаббатдан кайф ўлгур ғолиб келиб, донг қотибман.

Эрталаб хомуш туриб хонимчани кутиб ололмаганимдан минг афсусда, уни узоқдан бўлса-да, яна бир кўриш илинжида тағин балконга чиқдим. Қор энди майдалаб ёғар, шамолга айланган изғирин кўз очирмас, ғуборли ҳавода икки қадам нарини илғаб бўлмасди. Қўлимни пешайвон қилганча хонимнинг балконига тикилдим. Не ажабки, ул паризод кечагидек қўл силтаб мен томон ишва қилиб турарди. Ҳайронлигим ошди. Кейин ҳали бетқўлимни ювмаган бўлсамда, юракда кечадан буён алангаланаётган муҳаббат тафти ила чиройли аёлга суқланганча тикилдим.

У ҳам сахий маликалардек ҳамон бизнинг балкондан кўз узмасди. Сабрим тугади. Энди мусофирлигимни ҳам унутиб, тусмоллаганча қўшни подъезддаги унинг хонасини топиб бордим. Аммо эшикни мен кутгандек у гўзал пари-пайкал эмас, балки бир қўлида қадаҳ тутган барваста бир йигит очди. Кўчада бир — икки саломлашиб танишиб қолгандик. Уни кўриб эсим оғай деди. Тилимга бир калима келмасди.

— Мен, мен... қўшни подъезддан, — дедим довдираб. — Уйда гугурт қолмабди. Бошқа ҳеч кимни танимайман...

— Мен сени танидим. Кир, киравер, "Қоравой!" Дунёга ўт қўймоқчи бўлсанг, гугурт топилади. Ўзим ҳам эрта кундан ёлғиз ичишга қийналиб тургандим.

Мени негрлардек "Қоравой" дегани ёқмаган бўлсада, кирдим. У мени ошхонага бошлади. Стол устида эндигина очилган ароғ-у ликопчада газаклар. У бўш рюмкани тўлатиб менга узатди.

— Ол, Қоравой, дўстлик учун. Мана, ҳадемай Янги йил киради. Биз аллақачон "Рождество"ни бошлаб юборганмиз.

Биргалашиб шишани бўшатдик. Менинг хаёлим эса ҳануз балконда. Ўғринча назар ташлайман, ҳеч кимса кўринмайди. Уйда ҳам ул сулувдан ном-нишон йўқ. Ошхонаю уйдаги тартибсизликлар эса бу уйда аёл туришидан дарак бермайди. Унда у жонон қаёққа кетди. Ҳар ҳолда анави барваста еб қўймагандир. Шуларни ўйлаганча унга чўчибгина қараб қўяман.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Барваста секин туриб тебранганча эшик томон кетди. Мен эса пайтдан фойдаланиб шошганча ошхонадан балконга чиқдим. Не кўз билан кўрайки, балконнинг биз томонга қараган ярми очиқ деразаси тутқичига илинган каттагина елимхалтача шаббодада тинмай тебраниб турар, унинг четига қатор терилган Янги йил тақвими ёнига каттагина сурати туширилган гўзал аёл ҳамон менга қараб елка баробарида қўл силтаганча, чиройли кулги ҳадя қилиб турарди.

**Адҳам ДАМИН**

## ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Бир киши қадрдон дўстларидан бирига илтимос қилди.

— Дўстим, менга 20 минг сўм қарз бериб туролмайсанми?

— Йўқ, беролмайман, — деди дўсти қатъий.

— Бўпти, буни мен сенга вақти келганда боплаб эслатиб қўяман. Ўшанда қарз бермаганингга пушаймон бўласан.

—Ана кўрдингми, агар мен қарз берганимда сен мени дарров унутиб юборган бўлардинг.

* * *

Имтиҳон олаётган профессор талабага деди:

— Айтингчи ўртоқ Ботиров, имтиҳон деб нимага айтилади ўзи?

— Имтиҳон бу, икки ақлли одамнинг ўзаро суҳбати, — деб жавоб берди талаба.

— Хўш, агар ўшалардан бири аҳмоқ бўлсачи? — яна саволга тутди профессор.

— Унда иккинчиси стипендиясиз қолади, — деб жавоб берди талаба ҳам бўш келмай.

* * *

Концерт пайтида бир аёл эрини туртиб деди:

— Анаву кишини қаранг, концерт пайтида ҳам ухлаб ўтирбди-я.

— Шуни айтиш учун мени уйғотишинг шартмиди, — жеркиб берди эр.

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Бу — қизиқ*

## ХАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАР

**Қароқчилар ва уларнинг одам оёғи камдан-кам етадиган узоқ оролларга кўмган хазиналари ҳақидаги мафтункор, ҳатто баъзан жуда ваҳимали туюладиган ҳикоялар бутун дунёдаги миллионлаб болаларнинг фикру хаёлини банд қилиши табиий.**

Сандиққа жойлаб ерга кўмилган тилла тангалар, қимматбаҳо тошлар ва марваридлар хусусидаги воқеалар болалик ёшидан ўтган, мол-мулкка ўчроқ анча-мунча кишиларнинг ҳам тинчлигини бузиши турган гап. Бир умр қароқчилик билан кун кечирган Оливье Ле Вассёр ёзиб қолдирган ривоятларга асосланиб Маэ деб аталадиган Сейшель оролларининг бирига кўмилган дафинани излашга қайтадан киришилди.

"Қидирув" раҳбари Жон Круиз-Уилкинс "Бошланган ишни тугатиш" учун Ҳинд океанида жойлашган орол давлати маҳкамаси бошлиқларидан рухсатнома олди. Шуниси борки, худди шу тахлитдаги ишни бир маҳаллар унинг отаси олиб борган эди. Ота Уилкинс 1977 йили ўз ўлими олдидан ўтмишда денгиз қароқчилиги билан умр кечирган Маэнинг Маэ оролида (орол унинг номи билан аталганлиги эҳтимолдан холи эмас) яширинча кўмган хазинасини у ёки бу даражада аниқроқ белгилашга эришганлигини айтиб кетган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Африка қитъаси қирғоқларидан шарққа қараб чўзилган ороллар саргузашт ишқибозларини ва қароқчилар томонидан кўмилган катта мол-мулкка эга бўлиб олишни хаёл қилиб юрган хазина изловчиларни қадимдан ўзига ром этиб келади. Худди шу сабабдан Мадагаскар, Маврикия, Реюньон ва Сейшель оролларининг кўплаб тонна тупроғини турли йилларда хазиналарнинг сохта "меросхўрлари" элакдан ўтказганлар.

Юқоридаги тилга олинган, яъни Маэ оролларида қазув ишлари олиб бораётган хазина изловчилар бу ердан ўзларининг дублон ва пиастр тангалари топишларига ишончлари комил. Аммо уларга бахт кулиб боқадими, йўқми, мабодо, кулиб боққанда ҳам ўша воқеа қачон юз беради — бунисини айтиш қийин. Фақат бир нарса маълум: мазкур ороллар XVIII асрнинг ярмигача ўзлаштирилмай келарди, қароқчилар эса, Сейшель кўрфазларида тез-тез лангар ташлаб, елканли кемаларини тўхтатардилар-да, оролларга тушиб, ўтин ва сув ғамлаб чиқардилар.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 11 ИЮНЬ, ШАНБА

**Мунажжимлар, бугун тер тўкиб қилинадиган меҳнатдан қочманг, деб маслаҳат беришади. Зеро, бугунги ҳориб-чарчаб қилинган меҳнат сизга бир дунё бойлик, фаровонлик келишига йўл очади. Лекин бунинг бир шарти ҳам бор, дея огоҳлантиришади мунажжимлар — бугун бошлаган ҳар қандай ишингизни охирига етказишингиз керак бўлади. Акс ҳолда ўзингизга зарар келтириб қўйишингиз мумкин.**

Шунингдек, улар таъбирига кўра, овқатланиш масаласига алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Бунда овқатдан ўзингизни тортишингиз эмас, балки кўнглингиз нимани тусаса — ўшани тановул қилишингиз кўзда тутилади. Бугунги барча егуликлар танангизга қувват бўлиб, руҳингизни мустаҳкамлар экан. Қайси таом дидингизга ёқмаса, нафақат бугун, кейинги кунлари ҳам уни истеъмол қилмаганингиз маъқул. Чунки у сизнинг танангизга фойда эмас — зарар келтиради. Кечқурун эса, ноз-неъматлар билан яқинларингиз ва ўзингизни сийлашингиз мумкин.

Моддий буюмлар билан боғлиқ тушлар ўнгидан келади. Фақат ёрқин, ёдда қоладиган ва аниқ-тиниқ тушларгагина эътибор бериш керак.

Юрак, қон-томир тизими ва умуртқа поғонаси бугун бир мунча заифлашган ҳолатда бўлишини эсда тутинг. Жарроҳлик муолажаларидан бугунча тийилиш керак.

Кўк ва қизил ранг кийимлар омадли бўлиб, яшил ва сариқ ранглилари бугунги кун руҳига мос келмайди.

**ШАНБАДА:**

— ҳар қандай ижодий иш билан машғул бўлиш;

— энг муҳим қарорларни мустақил қабул қилиш;

— яхши кўрган таомларингиз билан ўзингизни сийлаш;

— ўзингиз қадрлайдиган кишиларда яхши таассурот қолдиришга интилиш тавсия этилади.

Яхшилаб ҳордиқ чиқариш ва яхши кўрган нарсаларингиздан пулни аяш, йўқотган нарсаларингизга ачиниш ва уларни қайтаришга интилишдан ўзингизни тийишингизни маслаҳат берилади.

### 12 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

**Раҳбарлар, обрўли ва юртда танилган кишилар билан мулоқотлар бугун манфаатли ҳисобланади. Мунажжим С.Илҳомов таъбирича, шу куни, яъни ойнинг олтинчи куни таваллуд топганлар Оқ барслар (куннинг тотеми) сингари қўрқмас, мард ва олижаноб кишилар бўлиб етишаркан. Бундай кишилар ўз бурчларига қатъий содиқ бўлиб, ишончли раҳбар, ташкилотчи бўлишади. Улар адолатсизликларга қарши курашувчанлик, ҳар соҳада мустақил иш кўришни ёқтиришлари, таваккалчиликдан қайтмай, сўнгги лаҳзаларгача курашишлари билан ажралиб туришади.**

Бошқа бир мунажжим эса,бугун қилинган дуолар ва дуойибадлар тез вақт ичида амалга ошишини таъкидлайди. Шунинг учун у фақат яхши ниятлар қилиш, бировларга ёмонлик тиламасликка даъват этади. Зеро, дейди у, бугун бошқалар шаънига айтилган ёмон сўзлар улар эгасига ҳам салбий таъсир этиши мумкин.

Жўшқин ва ёрқин тушлар ўнгидан келади. Аксингизни кўзгуда кўришингиз, ўзингизни яланғоч кўришингиз ёки устингиздаги кийимларни йиртишингиз — келажак нохушликлардан огоҳлантиришдир.

Бугун имкон қадар кўпроқ суюқлик ичиш, иссиқ ва аччиққина таомлар фойдали бўлади. Юрак ва умуртқа поғонангизни эҳтиёт қилинг.

Оқ, қизил ва юлғун ранг либослар бугунги кун учун яхши ҳисобланади. Кўк ва сабзиранг кийимлардан воз кечинг.

**ЯКШАНБАДА:**

— ўзгалар кўмагисиз бажара оладиган илмий ёки бошқа ишлар билан шуғулланиш;

— бошлаб қўйган ишларингизни давом эттириш;

— ташкилотчилик қобилиятингизни, муаммоларни ҳал этишдаги чапдастлигингизни намоён этиш;

— ўз илмингизни ошириш билан машғул бўлишингиз тавсия этилади.

Ҳар қандай бўлишидан қатъи назар, ўз ҳиссиётларингизни ошкор этишдан, ҳаддан зиёд камсуқумликдан ўзингизни асранг.

### 13 ИЮНЬ, ДУШАНБА

**Мунажжимлар таъбирича,бугунги кун биринчи ярмининг астрологик фони осойишта бўлиб, фойдали ҳар қандай иш билан шуғулланиш мумкин. У кўнгилдагидай омадли бўлиши учун вақт маромига эътибор қилиш керак: воқеа-ҳодисалар суръатини тезлаштириш ҳам, пасайтириш ҳам мумкин эмас.**

Куннинг иккинчи ярмида Қуёш билан Плутон ўртасидаги зиддият кучаяди. Натижада кўпчилик одамлар жамоаларда иккиланиб, ўз куч-имкониятларига шубҳа билан қарай бошлашади. Эҳтимол тутилган нохушликларнинг олдини олиш мақсадида бугун ҳар қандай алдовлардан қочиб,ўй-фикрларимизда,сўзларимиз ва қилмишларимизда ҳалоллик, поклик ва аниқликка интилишимиз керак бўлади.

Бугун жигар ва ичаклар, қораталоқ ва ошқозоности бези хасталикларга мойил бўлади. Ҳаммом ва саунага бориш ҳам саломатлигингизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Унчалик кўзга ташланмайдиган,тинчлантирувчи ранглардаги либосларга устуворлик бериш керак. Қизил ва кўк ранглиларидан нарироқ бўлинг. Зеб-зийнатларингизни тақиб олинг.

**ДУШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— табиат қўйнида дам олиш,туристик саёҳатларга йўл олиш;

— концертлар ва бошқа кўнгилочар жойларга бориш;

— синфдош, курсдошлар билан учрашиш, амалий учрашувлар ташкил қилиш;

— омадингиз келиши, бахтли тасодифларга қатъий ишонч билан қараш;

— яқинларингизга атаб эсдалик совғалари, рўзғорга керакли ашёларни харид қилиш;

— болалар ва яқинларингизга кутилмаган туҳфалар ҳадя этиш тавсия қилинади.

Сиёсий фаолият билан шуғулланиш, сиёсатдонлар ҳузурига ташриф буюришдан ўзингизни асранг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ 2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ҳурматли иқтидорли ёшлар! Агар сиз,

- она тили, адабиёт, тарих, инглиз тили, математика, физика фанларини чуқур ўзлаштиришни...
- «иш юритувчи» ва «ЭҲМ оператори» мутахассиси бўлишни...
- фан олимпиадаларида қатнашишни...
- етук устозлар раҳбарлигида таълимнинг замонавий тизими ва технологияси воситасида билим олишни...
- истаган олий ўқув юртингизга киришни...

**ХОҲЛАСАНГИЗ, ЛИЦЕЙИМИЗГА МАРҲАМАТ!**

Академик лицейда ижтимоий-гуманитар, хорижий тиллар, аниқ фанлар йўналишлари бор. Ўқиш муддати 3 йил. Ўрта мактабнинг 9-синфини «яхши» ва «аъло» баҳоларга битирган ўқувчилар қабул қилинади. Ҳужжатларни топшириш муддати — 20 июндан 31 июлгача:

1. Белгиланган шаклда директор номига ариза.
2. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси).
3. 086У-шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази тавсияномаси.
6. 9-синфни тугатганлиги ҳақида шаҳодатнома (асл нусхаси).
7. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

***ҲУЖЖАТЛАР ЎҚИШГА КИРУВЧИ ТОМОНИДАН ШАХСАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ***

***Манзил:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси (университетнинг 4-биноси).*

***Телефон:** 55-61-97.*

***Транспортлар:** 11-троллейбус; 9,4-трамвайлар; 38, 57, 58, 67-автобуслар.*

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ СОБИР РАҲИМОВ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ 9-СИНФНИ БИТИРГАН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Йўналишлар:**

**Аниқ фанлар йўналиши**

**Табиий фанлар йўналиши**

**Ижтимоий-гуманитар йўналиши**

**Хорижий филология йўналиши**

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 174-уй.**

**Тел: 46-07-84, 46-23-17.**

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан «Шарқ» маҳалласи фуқаролар йиғини кенгашига берилган муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Азизим, сен душман сўзига дарҳол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулойим қилиб кўрсатади. Сени ғафлатда кўргач, тадбир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-тадбир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунончи айтадилар:

**Душман иши аввал**
**ҳийла-ю найранг,**
**Сўнг ҳужум бошлайди**
**қилади гаранг.**
**Бу селнинг йўллари**
**тўсилмаса гар,**
**Юзланар беҳисоб**
**фитна-ю зарар.**
**Фитна йўлин бугун**
**тўсмасанг маҳкам,**
**Эртага кучаяр бўлиб**
**мустаҳкам!**

● Айтадилар:

— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлғончи, қўрқоқ, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

**Ҳар киши ўз ақлидан**
**огоҳ бўлар,**
**Ўзидан гумроҳ бўлар!**

Душманинг эса сенинг зарар топишингни ўйлайди.

**Ҳар киши ўз душманини**
**кучсиз санар,**
**Бир куни кучли зиёнидан ёнар!**

Ҳасадчи эса бор-шудингдан ажралишингни истайди:

**Ким ҳасад қилса**
**бировнинг молига,**
**Охири бўлгай анинг**
**вой ҳолига!**

Ёлғончи эса фикрингни бузиб кўрсатади:

**Кимки ёлғон сўзласа**
**ризқи кетар,**
**Бир куни ёлғон сўзи**
**бошга етар!**

Қўрқоқ эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга ҳарисманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

**Молу ҳолинг аслида**
**душман эрур,**
**Зоҳиран боқсанг неча**
**равшан эрур!**

Нафсига берилган киши ҳою ҳаваснинг асрини билиб нафс тўридан қутулишга кучи етмайди:

**Меҳнатинг бирла нафсга**
**бер жазо,**
**Қилмасин токи**
**балоға мубтало!**

● Айтишларича, гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Қустантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззатнафси йўл қўймас эди. Унинг ёдига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четида жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдига борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу ҳунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўргатишга фармон берди.

*Нашрлар*

# «НАВОИЙГА АРМУҒОН»

**Буюк бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий халқ оғзаки ижодидан ҳамда шарқ шеъриятининг илғор анъаналаридан баҳраманд бўлиб ўзбек тилидаги лирик ва эпик поэзияни янги тараққиёт босқичига кўтарган даҳо санъаткордир.**

Адолатпарвар шоир ижодига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан «Навоийга армуғон» деб номланган анъанавий мажмуанинг тўртинчи китоби нашр этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриётида чоп этилган ушбу китобда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда республикамизнинг атоқли, етук навоийшуносларининг шоир ижодининг айрим қирралари ҳақидаги мақолалари жамланган. Шунингдек, китобдан ёш тадқиқотчилар, аспирантлар ҳамда иқтидорли талабаларнинг буюк шоир ижоди хусусидаги кузатишлари ўрин олган.

Эътиборли томони шундаки, ушбу китобда нафақат Навоий шеъриятига тўхталинган, балки, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари, Жомий ва Навоий «Лайли ва Мажнун»ларининг қиёсий таҳлили, «Искандар пайғамбар бўлганми?», Фаридун Ҳусайн Мирзо, шунингдек, Ойбек ва шарқ мумтоз шеърияти, Ғафур Ғулом поэзиясида мумтоз шеъриятимиз анъаналари, Озарбойжон шоирларининг чиғатойча шеърлари каби мавзуларда илмий ҳамда таҳлилий мақолалар ўрин олган.

Барча шеърият ва шарқ мумтоз поэзиясидаги анъаналарни, Навоий ижодининг улкан қирраларини намоён этувчи ушбу китобга М.Содиқова муҳаррирлик қилган. Барча манбаларни, илмий мақолаларни нашрга тўплашда К.Муллахўжаеванинг меҳнати катта бўлди. Ўйлаймизки, «Навоийга армуғон» деб номланган ушбу тўплам Навоий ижодининг ихлосмандлари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлади.

**Юлдуз УСМОН**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## НИМА ДЕЙИШНИ БИЛМАЙ ҚОЛДИМ

Бобо ва набира автобусда борардик. Набирам сўраб қолди.

— Бобо, нега анаву биноларнинг пештоқига ҳар хил тиллардаги ёзувлар осиб ташланган. Ўқиб тушуниб бўлмайди-я.

Ҳайрон бўлиб йўл-йўлакай кафе, ресторан, дўконлар тепасига осиб қўйилган пештахталарга қарайман. Уларнинг ҳаммасида русча, инглизча, немисча сўзлар ёзиб қўйилган.

Ё тавба, биз қайси мамлакатда яшаяпмиз ўзи? Ахир ўзбек тилига давлат мақоми берилганига неча йиллар бўлсада, наҳотки ўша биз айтган таомхона ва маиший хизмат хоналарининг номларини ўзбекчалаштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса? Бундай ёзувларни шаҳримизнинг истаган кўчаларида озми-кўпми даражада учратишингиз мумкин. Масалан, биргина Шота Руставели кўчасини олайлик.

Шу кўчанинг 43-уйи тагидаги дўконга «Pionner Multimedia» деб ёзилган сўзларни ўқиб, бунинг нима эканини тушуна олмай қоласиз. Бундан ташқари, 160-мактаб ёнидаги кафе ва дўконлар пештоқидаги русча, инглизча ёзувлардан ҳайратланасиз. Наҳотки уларни ўзбекча номлашнинг имкони бўлмаса?

Бундан ташқари, Шота Руставели кўчасидаги Roland, Мужской выбор, Continental, Автошины из Европы, Marco Polo, Central Asia travel, AQUA land, бассейны, Дом одежды каби сўзларни учратамизки, ўзбекча сўз қаердан топиларкин, деб уялиб қоласиз.

Набирам саволига жавоб беришимни истаб менга термулиб турарди. Мен эса кўриб турганларимдан ҳайрон бўлиб, унга нима деб жавоб беришга қийналардим.

## ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Набираларга бир қўй олиб берсам, эрмак бўлар, деган мақсадда мол бозорига бордим. Анча-мунча вақт бозор айланиб мўлжалдаги қўйни учрата олмадик. Бирининг нархи баланд, ўртача баҳоланаётганларининг эса тоши енгил.

Кейинги дам олиш куни яна бозорга чиқишни режалаб орқага қайтдик. Дарвозадан чиқаётиб Ҳоживойнинг ўғли Ҳакимбойга кўзим тушди. У қулай жойда туриб олиб ҳеч кимга эътибор бермай дарвозадан кириб чиқаётганларни бирма-бир кўздан кечирарди. Дастлаб мен бу бола бинойидек ишини ташлаб милиция хизматига ишга ўтибди-я, деган хаёлга бордим. Кўз-кўзга тушгач, ноилож ҳорма, бор бўл қилдик. У бизга яқинлашиб омонлашди, ҳол-аҳвол сўраган бўлдим.

— Ишни ўзгартириб юбордингми дейман? — унга сўз қотдим.

— Йўғ-ей, бобо нима деяпсиз. Ёшимиз элликни қоралаб қолганда касбни ўзгартириб бўларканми? Ахир 30 йиллик қурувчиманa.

— Бўлмаса нима қилиб бу ерда посбондек жонсарак бўлиб турибсан?

— Сўраманг бобо, қизиқ бўлди.

— Тинчликми ишқилиб?

— Тинчликка тинчликку-я, ўтган бозор бир англишмовчилик рўй берди. Ҳатто уни бировга айтишга ҳам уяламан. Ҳар қалай сиз ўзимизникисиз. Сизга дардимни ошкор этмасам бўлмас.

— Агар малол келмаса айта қол.

— Оиламизда бироз танқислик бўлиб ўтган дам олиш куни анчадан бери боқиб юрган қўйимни бозорга олиб боргандим. Уни 80 мингга бор барака қилдик. Пулни бирма-бир санаб чўнтакка урдим. Бозордан чиқаётсам тахи бузилмаган, белбоғи узилмаган икки даста пул оёғим остида ётибди. Дарҳол энгашиб олдим. Қарасам икки пачка мингталик. Шу дамда бир йигит югуриб ёнимга келди. Пулни уники фаҳмлаб дарҳол қўлига тутқазсам, у пулни олмай қулоғимга:

— Худо берди, биров кўрмасин чўнтагингизга тиқинг деб шипшиди.

Мен ҳам хаёл билан сўрамай-нетмай топилмани чўнтакка урдим. Машина бекатигача бордик. Ҳеч ким «Пул йўқотдим» демади. Шунда бояги йигит:

— Қани бизга аталган суюнчини чўзинг, ака, — деб қолди. Унга бир пачка мингталикни узатдим. Йигит олмади.

— Йўқ, — деди у, бу топилма хаппи ҳалол ўзингизники, менга иримига майда пуллардан берсангиз ҳам бўлади.

Ёнимдан шарт сотилган қўйимнинг пулини чиқардимда ҳаммасини йигитга узатдим. У пулни олиб чўнтакка урди.

— Берган чой чақангизга рози бўлинг ака, — деди.

— Мингдан мингга розиман, —дедим.

Уйга келишим билан аёлим қўйнинг нархини сўраб-суриштирди. Ёнимдан топилмани чиқариб унинг қўлига узатдим.

— Вой бу нима?

— Қўйнинг пули, — дейман оғзим қулоғимда.

— Нега бунақа кўп?

Унга бор гапни айтдим.

— Яхши қилмабсиз отаси. Бу пуллар қайси бир бечораники экан. Ҳозир унинг ҳоли нима кечаётибди, — деди.

Талашиб-тортишиб, хуллас бир пачка пулни белбоғини йиртиб санашга тушдик. Қарасак пуллар қалбаки. Фақат тахламининг боши билан охирида бели синмаган минг сўмлик. Қолгани қалинроқ Хитой қоғози.

— Ҳаром луқманинг каттасини ошайман деб, ўзингизни ҳалол пулингиздан ажралибсизда отаси, — деди аёлим афсус билан. — Ўша йигит ўлгур сизни лақиллатган. Қалбаки тахламларни олдингизга ташлаб, суюнчисига бор пулларингизни қоқлаб олмоқчи бўлган. Хуллас ниятига етибди у фирибгар.

Шу тобда негадир хаёлимга халқимизнинг: «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деган мақоли келди.

## ОТА ҚАДРДОНИМ, БОР БЎЛСА ЙЎҚ ДЕМАЙДИ

Йўл-йўлакай бораётиб анчадан бери марҳум дўстим Аҳмаджонни эслаб қолдим. Раҳматли биродарим Аҳмаджон қўйга ўч эди. Оғилхонасидан қўйни аритмасди. Ҳар йили уч-тўрт қўйни емлаб семиртириб сотгувчи эди. Таниш-билишлар қўй керак бўлиб қолса биринчи бўлиб унга учрашишарди. У нархини ҳам инсоф билан тушириб берарди. Шуларни эсладиму, қўй қидириб бозорга борганимдан кўра, унинг болаларига учрашсам бўлмасмиди, ахир фарзандлар ота қадрдонига борини йўқ демасди, деган хаёлда унинг эшигини қоқдим.

Катта ўғли Ҳолматжон уйда экан.

—Эй отахон бормисиз, анчадан бери йўқламай қўйдиз, гина аралаш сўз қотди у.

— Ҳа, энди ёшинг ўтса ҳам ўзингдан ортмай қоларкансан, — дейман ўзимни оқлаб.

Ширин суҳбат, ота хотирасидан сўнг, бир пиёла чой устида мақсадга ўтдим.

—Набираларга бир қўй харид қилмоқчи эдим. Оғилхонада дўстим Аҳмаджондан қолган, қўйлар бордир, улар орасида биз бопи ҳам топилиб қолар, деб сенинг олдингга келдим.

— Эҳ отахон, оғилхонамиз ҳозир бўшаб қолган. Отамиздан кейин келиниз буларни йўқотинг. Ҳаммаёқни пашша бостириб юборди, — деб туриб олди.

— Ахир хотин, ёшимни танибманки, отамиз қўй боқадилар. Гўштдан узилиш бўлганда дарров биттасини сўйиб берадилар. Қора қозонимиздан қўй гўшти аримайди, десам у:

— Ана бозор тўла гўшт. Қўй гўшти еймиз деб қачонгача унинг сассиғига чидаб ўтирамиз. Отангиз борида уларнинг юзларидан ўтолмай индамасдим. Оғилхонанинг олдидан бурнимни беркитиб ўтардим, —деб бошимни қотирди. «Бор-ей» дедиму, ҳаммасини бир кунда бозорга олиб бориб, арзон-гаров бўлсада сотиб юбордим.

Эҳ аттанг, дейман ўзимга ўзим. Фарзандлар бор, ота касбини улуғлайди, ишини давом эттиради. Улардан қолган ҳар бир буюмни ёдгорлик сифатида авайлаб-асрайди. Ота руҳини шод этиш учун у ҳавасу ихлос қўйган, молу пулларини йўқотмай, балки уни кўпайтириш пайида бўлади. Афсуски бу хонадонда эса бунинг аксини кўрдим.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-509.

1 2 3 4 6